

Туризм Соҳасига Юқори Малакали Кадрлар Тайёрлаш Ҳолатини Таҳлили

А. И. Рахматов

СамИСИ, “Инвестиция ва инновациялар” кафедраси доценти в.б., PhD

Аннотация: Ушбу мақолада туризм соҳасига юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳолатини қисқача таҳлили кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: туризм, кадр, фан, техника, технология, инновация, интеграция, таълим, малака, стратегия.

Бутун жаҳон банкининг баҳолаш бўйича маълумотларига кўра, замонавий иқтисодиётда моддий капитал ҳажми ҳар бир мамлакат умумий бойлик ҳажмида 16 фоизни, табиий - 20 фоиз ва инсон капитали - 64 фоизни ташкил этади¹.

Республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишида юқори малакали кадрлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш таълим жараёни билан бевосита боғлиқдир. Таълим жараёни ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа фаолият соҳаларига таъсир қилади. Таълим инсон фаолиятининг энг муҳим кўринишларидан бирига тегишли бўлиб, таълим жараёни бутун инсон ҳаёти мобайнида амалда унинг туғилганидан бошланиб, узвийлик хусусиятига эга жараёндир.

Таълимнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигига бағишланган тадқиқот ишларига эътиборни қаратсак, қироллик бойлигини таркибий қисми сифатида аҳолининг билими ва таълим кадрлари билан боғлиқ тадқиқотлар дастлаб У. Петти ижодий фаолиятига тегишлидир². Кейинчалик А. Смит у ёки бу касбга эга инсонни қиммат машина билан солиштиради: “ҳар қандай қимматга эга машина ўрнатилгандан кейин ҳисобдан чиқариш вақти бошлангунгача уни ишлаб чиқаришда ишлатиш пировардида одатий даражада фойда келтирувчи, унга келтирилган капитални қоплашни назарда тутади”.

А. Смитнинг фикрига кўра, катта маҳорат ва кўникма талаб қилувчи таълим олишга куч ва вақт сарфлаётган ҳамда касб эгаллаётган инсонни юқорида келтирилган қиммат турадиган машина билан солиштириш мумкин. У бажаришга ўрганган иш учун одатий ходимлар иш ҳақидан юқори ҳақ тўланади ва пировардида тенг қийматли капитал келтириши натижасида унга бундан фойда келтирган ҳолда барча таълимга қилинган харажатлар ўрнини тўлдириш имкониятини яратади. Бироқ, бу иш белгиланган муддатда бажарилиши керак, шундай экан машинанинг хизмат муддати давомийлиги аниқ бўлмаганидек, инсон ҳаёти давомийлиги ҳам маълум эмас. Бизнингча юқори малакали ходим ва оддий ходим иш ҳақи ўртасидаги фарқ мана шу тамойилга асосланади³.

Ф. Лист миллатнинг моддий фаровонлигини бойликларнинг мавжудлиги билан эмас, шаклланаётган ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси билан тавсифлайди. У бу

¹Абдурахманов К.Х., Додобоев Ю.Т., Аллахвердиева Л.М. Современный менеджмент и реформирование системы образования в Узбекистане. Учебное пособие. – Т.: ТГЭУ, РЭА, - 2006. -7 с.

²Петти У., Смит А., Рикардо Д., Кейнс Дж., Фридмен М. Классики экономической мысли. Соч. – М.: ЭКСМО-Пресс, 2000.

³Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962.

кучларни боши сифатида фан, санъат, кашфиётларда эришилган ютуқларни “ақлий капиталда” деб ҳисоблайди.

А. Маршаллнинг таъкидлашича, таълим “моддий бойликларни ишлаб чиқаришни юксалтиришнинг муҳим воситаси сифатида хизмат қилади”. Унинг фикрига мувофиқ, “Таълим кўпчиликка, ким бўлмасин, ном-нишонсиз ўлмасдан ўзининг потенциал имкониятини очиш учун имкониятни юзага келтиради”⁴. “Энг қиммат капитал - бу инсон зотида қўйилган капиталдир”. 1960 йилларда Т.Шульц таълим олишга сарфланган инсон вақти ва таълим хизматларига харажатларни ўз ичига олувчи ишчи кучи қийматини баҳолашни амалга оширди. “Энг муҳим иқтисодий ресурс - бу таълим соҳасида халқ имкониятлари, тажриба, одамларнинг қобилиятлари салмоғидир”, Т.Шульцнинг фикрига кўра, “инсонга инвестициялар нафақат меҳнат унумдорлиги даражасини, балки вақтнинг иқтисодий кадр-қимматини оширади”. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар амалиёти иқтисодий ўсиш мақсадларида таълим хизматлари бозорини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Ривожланган мамлакатларда ходимларнинг билим ва малака даражасининг ошиши, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ўсишини таъминлайди, бу эса, ўз навбатида, миллий даромаднинг 30 фоизгача кўпайишига олиб келади.⁵

Дунё мамлакатлари ўртасида иқтисодий интеграция кучайиб бораётган ҳозирги шароитда жаҳон хўжалиги тараққиётининг бугунги ўзига хос босқичини туризмни фаол ривожлантириш муаммоларидан четда қолдириб бўлмайди. Бизнингча, туризм мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқелик сифатида иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва тармоқларига, уларнинг ҳолати ва ривожланиш суръатларига бевосита ва билвосита, у ёки бу даражада таъсир кўрсатади. У асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади, уларнинг динамикасини белгилашда фаол иштирок этади. Шунингдек туризм миллий иқтисодиётнинг мустақил тармоғи ва унинг ажралмас таркибий қисми сифатида барча тармоқ ва соҳаларнинг кучли таъсири остида, уларнинг бевосита ёрдами воситасида амал қилади ва ривожланади, ўз олдида турган мақсад ва мураккаб вазифаларни бажаради, таъкид этаётган муаммоларни ҳал этишда албатта юқори малакали кадрлар хизматида таянади.

Бутун дунёда туристик индустрияси учун кадрларни тайёрлаш масаласига катта эътибор бериб келинмоқда. Халқаро Туризм Ташкилоти маълумотларига кўра, 90-йилларда Европада 105 дан ортиқ олий ўқув юртлиари, 139 та ўрта махсус ўқув юрти ҳисобга олинган, АҚШда тегишли равишда 6 ва 17 та, Осиё ва Тинч океан ҳудудларида 13 ва 35та. Россияда, масалан, бугунги кунда 70 дан ортиқ йирик давлат ва хусусий таълим муассасалари туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш билан шуғулланади⁶.

Мустақилликга эришгач, Ўзбекистон Республикаси туризмнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятли ўрнини англаган ҳолда, ушбу тармоқни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилди.

Бугунги кунда республикамизнинг уттиздан ортиқ олий ўқув юртида туризм йўналишида малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Улардан Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Бухоро давлат университети, Қарши давлат университети, Урганч давлат университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, 2018-йил 28-июнда ташкил топган ”Ипак Йўли” халқаро туризм университети ва бошқалар. Туризм соҳасига юқори малакали кадрлар тайёрлаш билан шуғулланадиган олий ўқув юрлари мамлакатимизда туризм соҳаси ривожланишининг илмий асосини яратди.

⁴ Маршалл А. Принципы экономической науки. М.: Прогресс, 1993. - 270 с.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: 2018. –Б.173-174. Кириш йўли: www.stat.uz.

⁶ ХТТнинг интернет сайтидаги материаллар асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда туризм тармоғи учун кадрларни тайёрлашдаги ижобий силжишларга қарамай, ушбу соҳада юқори малакали кадрлар етишмовчилиги кузатилмоқда. Шу билан бир қаторда, мутахассисларнинг баҳолашларича, туристик ташкилотларнинг кўпгина ходимлари туризмга оид таянч маълумотга эга эмас (ўтказган тадқиқотларимизга асосан, туристик ташкилотларда фаолият олиб бораётган ходимларнинг 70-80% гуманитар йўналишдаги ихтисосликка эга)⁷.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида туризмни барқарор ривожлантириш борасидаги навбатдаги муҳим вазифалардан бири - туризм соҳасида амалий кўникмаларга эга бўлган, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2017-йил. 6-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори .
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантиришнинг стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 2018-йил 21 сентябрь.
5. Global Report on The Power of Youth Travel. Affiliate members report. Volume thirteen. Page 10.
6. Ўзбекистон Республикаси Статистика Бош бошқармасининг маълумотлари 2023-йил Тошкент.

⁷Муаллиф ҳисоб-китобига кўра